

ЖАНК СУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
РАЖАБ, 9-КУН.
ШАМСИЙ,
1370 ЙИЛ,
ЖАДИЙ, 27-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 14 январь, сешанба, 10-сон • 261 •

НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН,
СОТУВДА 35 ТИЙИН.

Кеча Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди

АХБОРОТ

13 январь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясининг ялпи мажлиси давом этди. Мажлисини Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан Олий Кенгаш А. Муталовнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги этиб тасдиқлади, бундан аввал у республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари лавозимда ишлаб келган эди.

Олий Кенгашнинг саккинчи сессияси топшириғига мувофиқ ишчи гуруҳ раҳбари депутат М. М. Мирқосимов республика назорат органлари тизимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни баён этди. Фикрлашиб олингандан кейин парламент янги орган — республика Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назоратини тасвир этиш ва айни вақтда Халқ назорати комитетини тугатиш ҳақида қонуни қабул қилди. Шу муносабат билан Олий Кенгаш Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритди. Депутатлар Президент И. А. Каримовнинг таклифига қувватлаб, М. М. Мирқосимовни Давлат назоратининг раиси лавозимига тасдиқладилар.

Ҳақ, халқ таълими ва маданий меросни сақлаш комитетининг раиси А. Асқаров таълим тўғрисидаги қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонуни лойиҳасини талабчанлик билан синчилаб муҳокама қилгандан кейин ун пухтароқ ишлаб чиқиш учун комитетлар ва комиссияларга юборишга қарор қилдилар.

Кечки мажлис бошланган пайтда сессия секретариатининг раҳбари А. Носиров депутатларнинг мурожаатлари билан ишлаш тўғрисида ахборот берди. Шундан кейин йўл ҳаракати қондаларини бузганлиги учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги қонуни лойиҳаси иккинчи ўқилишида муҳокама қилина бошлади. Қонуничилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Х. Халилов маъруза қилди.

Моддама-модда муҳокама қилиниб, овозга қўйилгандан сўнг қонуни қабул этилди.

Иқтисодий ислохот, бюджет сийсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети раисининг ўринбосари Э. Х. Салимов иккинчи ўқилишида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонуни ҳам қабул этилди.

Ўзбекистон Республикасининг алоқа тўғрисидаги қонуни муҳокама этилди. Транспорт, йўл ҳужалиғи, алоқа ва информатика комитетининг раиси Ғ. З. Захриддиновнинг маърузаси юзасидан мазкур қонуни қабул қилинди.

Депутатлар Президентининг Ўзбекистон Республикаси Давлат телевидение ва радио эшитириш комитетини Ўзбекистон давлат телерадио эшитириш компаниясига айлантириш тўғрисидаги, У. А. Абдуразақовнинг республика ташқи ишлар вазирлиги этиб тайинлаш ва Ш. Н. Маъжудова бошқа ишга ўттириш муносабати билан ун лавозимдан овоз этиш ҳақидаги фармонларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон парламенти ўз ишини давом эттиради.

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Жаноби олийлари! 1992 йилнинг дастлабки кунларида мусулмонларнинг жаҳон жамоаси ва «Матамаг алалам ал-исломий» жаҳон конгресси номидан Сизга, халқингизга, давлатингизга, мамлакатингизга энг яхши тилаклар йўллашга руҳлат этгайсиз. Республика чеклашлар занжирларини улқитиб ташлаб мустақиллик олди ва бошқа давлатлар билан ўз алоқаларини кенгайтирмоқда. Истиқомини, сизларга олоқдор бўлиши, Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида мамлакатингиз тинчликсевар ва тараққиётпарвар тарихида ва тараққиётпарвар республика тарихида раванг топарсиз.

ИНАМУЛЛОХОН, доктор, мусулмонлар жаҳон конгресси «Матамаг алалам ал-исломий» бош қотиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АВДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланганлигингиз билан «Экспортхлеб» ташқи иқтисодий акционерлик жамиятининг жамоаси номидан энг самимий қутловлар қабул этгайсиз. Сидидиядан самарали ишлар ва сийхат-саломатлик тилаймиз. Республика ташкилотлари ва корхоналари билан мустақил мамлакат алоқа қилиб турган жамоамиз Ўзбекистон

тон аҳолини ва халқ ҳужалиғини дон ва ети билан барқарор таъминлаш дастурини рўйбега чиқаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайёр.

Чуқур ҳурмат билан: «Экспортхлеб» ташқи иқтисодий акционерлик жамиятининг президенти **О. КЛИМОВ.**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президентини лавозимига бутун халқ томонидан сайланганига билан Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилувчи туристликлар номидан астойдил табриқлайман. Сизга тан сиз ҳатлик, халқ томонидан ишониб топширилган вази фаши адо этишингизда энг яхши муваффақиятлар тилайман.

Неъмат БЕГИШ, Туркиянинг Америка уюшмасининг президенти, АҚШ.

Шунингдек АҚШ фуқароси, Нью-Йорклик Мухаммад Саид, ГФР фуқароси мюнхенлик Екуб, Турон, халқ депутатлари Урал вилояти кенгашининг раиси Ҳ. Зокиржонлиқ, Қирғизистон Республикаси халқ депутатлари Жалолобод шаҳар кенгашининг раиси К. Исмаилов, Тожикистон Республикаси савдо вазири Ю. Этамбердиев, Тошкент дорилфунуни ешлар иттифонининг раиси А. Каримов, Ўзбекистон халқ шoirи Миртемирнинг юртдошлари, Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти, Туркистон районидagi Эски Йўн аҳоли вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентига мактуб йўллаб, умумхалқ президент сайлоvida қозонган ғалабаси билан самимий табриқладилар ва шу юксак лавозимдаги фаолиятда энг яхши тилаклар изҳор қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОШ ВАЗИРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Уртоқ Абдулҳошим Муталов Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

БОШ ВАЗИРИ

Абдулҳошим МУТАЛОВ

1947 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон районининг Телов қишлоғида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, муҳандислик — техника соҳасидаги саноати сиртки институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкентдаги 2-нон маҳсулотлари комбинатда ишчи бўлиб бошлаган. Совет Армияси сафида хизмат қилиб келгандан кейин Тошкент шаҳридаги нон маҳсулотлари комбинатларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1979—1986 йилларда Оҳангарон нон маҳсулотлари комбинатининг директори бўлди. 1986 йилда Ўзбекистон ССР нон маҳсулотлари вазирининг ўринбосари, 1987 йилда эса вазир этиб тайинланди. 1991 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари, Қарақалпоғистон Республикасининг халқ депутати.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

Ўзбекистон Республикаси геология-разведка ташкилотлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида

Республиканинг минерал хом ашё базасини ривожлантиришдаги узоқ йиллик ҳалол меҳнати ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ:

АХМЕДОВ Нурмухаммад — «Самарқандгеология» бирлашмасининг бош муҳандиси

БОЛТАВОВЕВ Кабир — Тошкент «Геологоразведка» заводининг слесари

МУРАКАЕВ Рафиқ Сафоевич — «Ўзбекгеодрогеология» бирлашмаси Мирачул гидрогеология экспедициясининг бошлиғи

САЙДУЛЛОВ Аҳадullo — «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси Косон нефть-газ разведка экспедициясининг пармалаш мастери

ТЕНГЛАШЕВ Иброҳим — «Тошкентгеология» бирлашмаси Чирчиқ геология-разведка экспедициясининг бошлиғи

ХОЛМИРЗАЕВ Насрулло Хингауллаевич — «Самарқандгеология» бирлашмаси Қизилкум геология разведка экспедициясини туркумининг бошлиғи

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ ВИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:

АВДУЛЛАЕВ Очил — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси 18-геология-раз-

ведка экспедициясининг тракторчиси

ОҚКУЛОВ Қолдобиой — «Тошкентгеология» бирлашмаси Олмалик геология-разведка экспедициясини пармалаш мастери

АНТОНОВ Александр Евгеньевич — Урта Осие геология ва минерал хом ашё илмий тадқиқот институти подир металлургия шўбасининг мудири

АШУРОВ Холиёр — «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси минора монтаж экспедициясининг иш бакарувичиси

БУЎЎХИНА Лира Алимовна — «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси режа-молия бўлимининг бошлиғи

ВИНОГРАДОВ Сергей Николаевич — «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси брдмачи хўжалигининг директори

РАФУРЖОНОВ Самижон — «Тошкентгеология» бирлашмаси «Хингеонеруд» экспедициясининг бошлиғи

ЗУЕВ Сергей Николаевич — «Ўзбекгеофизика» бирлашмаси туркумининг бош геофизиги

НБОУЕВ Пардабой — «Тошкентгеология» бирлашмаси Шарқий Курама геология-разведка экспедициясининг кон ишчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 январь.

ГУМБАЗЛАР ОСТИДАГИ БОЗОР

Хўжабодликлар ва уларнинг меҳмонлари янги бозор очилишини байрамона нишонладилар. Бозор курлишида Хўжабод шаҳридаги ва бутун райондаги деярли барча меҳнат жамоаларининг вакиллари қатнашди.

Чунончи, ҳапар ташкил этилиб икки йил ичида шарқ услубида безатилган кўн гумбази ноёб иморат тикланди. У шаҳар марказида, серратнов Андижон — Уш йўли яқинида жойлашган. Янги бозорни очиш кунги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат молларининг савдо-армақаси бўлди.

(Ф.ТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат назоратининг раиси этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ РАИСИ

Мираҳмад Мирҳожиевич МИРҚОСИМОВ

1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, ихтисоси — механик-муҳандис, 1962 йилда Тошкент политехника институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1962 йилда «Герметик» технология ва машинасозлик марказий конструкторлик бюросининг муҳандиси бўлиб бошлаган, кейинчалик шу ерда бир қанча раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1973 йилдан партия ишида — Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва Марказий Комитети аппаратларида ишлаган. Ўзбекистон Компартияси Олмалик шаҳар комитети, Қоразм ва Тошкент вилоят комитетларининг биринчи котиби бўлган. 1989—1990 йилларда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг раиси бўлган. 1990 йилда Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси этиб тайинланган. Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати.



ХАВАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ **НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ.** Яшанба куни эрталабданок Москвадаги Манеж майдонига бир неча минг киши тўпланди. Турмуш қийинчиликларидан тинкмаси қурган халқ бу ерга ҳозирги иқтисодий вазиятга қарши норозилик билдириш учун келди. Йил бошдан буви Москвада биринчи мартава кўп минг кишилик митинг ўтказилди. Намойишчиларнинг нутқларида СССР тарқатиб юборилган учун «фақат Россия раҳбарларининг эмас, балки яқин қириқганча собиқ Совет Иттифонига бошчилик қилган шахслар ҳам қаттиқ айбландилар. Кўпчилигининг кўлида ўроқ ва болта тасарип туширилган қизил байроқлар, шунорлар, Ленин ва Сталин портретлари бор эди.

✦ **ҲАРБИЯ АСИРЛАР ТАҚДИРИНИ УЯЛАБ.** Россия Олий Кенгаши ва АҚШ конгресси Корея ва Вьетнамдаги урушлар даврида қўлга олинган Америка ҳарбий асирлари ҳақида Россия томонида мавжуд бўлган маълумотларни текшириш юзасидан қўшма комиссия тузатди ва булар Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирини Андрей Козирев ва АҚШнинг Россиядаги элчиси Роберт Стравус урчушунда ана шунга ахдлашиб олинди.

✦ **КАМБАҒАЛГА ҚИЙИН.** Украина Вазирлар маҳкамаси эркин нарх-наво жорий этилганлиги муносабати билан аҳолини жийтимоий ҳимоялашга доир қўшма чоралар тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра мол ёғ, сметана, пишлоқ (қаттиқ бунга кирмайди) ва бошқа сут маҳсулотлари жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолига 1991 йилдаги давлат чакана нархлари даражасига нисбатан чекланган коэффициент, яъни «3» баравардан энди кўтармасдан сотилади.

✦ **ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САЛОМАТЛИГИ ҚАЛАЙИ** Кейинги пайларда Россия вице-президенти А. Руцкойнинг соғлиғи ёмонлашгани ҳақида турли хабарлар тарқалди. Унинг маҳкамасидан «Интерфакс» мухбирига маълум қилдики, А. Руцкой ҳозирги пайтда тиббий кўридан ўтказилмапти. Гап шундаки, у уч йил мобайнида олтускага чиқмаган эди. Шифокорлар касаллигига ётқизилган. Фалокат руй беришининг сабаби давлатчи ишлашга қолганлигиндир, деб ҳисоблашмоқда.

✦ **УН ТЎРТ ОЛУВ ИККИ.** Мамлекетда августдаги давлат тўтириши бостирилгандан кейин дастлабки кунларда қўлга олинган ўн тўрт фитиҳанди ҳозирги вақтда «Матросская казарма» тўғрисидаги алоқа бўлимида ўн икки нафари қолди.

СССР Президенти давонининг собиқ раҳбари Валерий Болдинда кейин яна бир айблануви — СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг собиқ ўринбосари генерал Виктор Грушко ҳам қўйиб юборилди. Ҳар икковининг озоликка чиқшига сабаб битта — саломатлигининг ёмонлашганлиги.

✦ **НАРХНИ АРЗОНЛАШТИРИШГА МАЖБУР БЎЛДИЛАР.** Туркменистон Президентини С. Нйёзов яқинба кунин махсус қарор чиқарди. Ана шу ҳужжатга кўра, сарғи ва қайнатилган қолбаса нархлари икки баравардан эндиёт қилинди. Энди республикада бир килограмм сарғини 45 сўмга сотиб олиш мумкин. Қолбаса эса кўн билан 38 сўм туради.

✦ **КОЗОҒИСТОННИНГ ИЧКИ ҚУШИНЛАРИ.** Президент Нурсултон Назарбаев «Козоғистон Республикасининг ички қўшинлари тўғрисидаги фармонга имзо» чекди. Бундай қўшинлар ямават тартибиди сақлаш ва икноятчиликка қарши кураш ахлоқ таълим-меҳнат муассасалари ва давлат аҳамиятга молик нишоотларини қўриқлаш, Қозоғистон Республикасини хавфсизлиги ва давлат мустақиллигини ҳимоя қилишга даъват этилгандилар.

✦ **ҲАҒТАСИГА БЕШ КҮН ИШ.** Хитойда 2000 йилга бориб беш кунлик иш ҳафтасига ўтилади. Ҳозирча шанба кунини тушункача ишлаш тартиби жорий қилинмоқчи.

✦ **ЯНА БИР ФАЛОКАТ.** Жума кунини Елизаветский аэропортида МИГ-31 қирувчи самолёти фалокатга учреди. Экипаж катapultа ёрдамида ўзини ташлашга улгурди, аммо командир ҳалок бўлди. Штурман касаллигига ётқизилди. Фалокат руй беришининг сабаби давлатчи ишлашга қолганлигиндир, деб ҳисоблашмоқда.

✦ **ЧАРЧАБДИ.** Жазор Президентини Шадли Бенжадид истаъфого чиқшига қарор қилди. Мамлакатнинг қонуни чиқарувчи олий органи — Конституциявий кенгаш истаъфонин қабул қилди.

✦ **ИТТИФОҚ ЙҶК, БИРИНЧИЛИК ДАВОМ ЭТАДИ.** Футболнинг тарихида энг сийхат очилмоқда. Совет Иттифонини барҳам топиши билан СССР биринчиликлари солиқомининг сўнгги вағани ёллади. Бирок биринчи мартадан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги очик чемпиони бўшланди. Келишувга биноан биринчилик даставафал икки гуруҳга бўлиб ўтказилди.

✦ **А гуруҳи:** «Помир» (Душанба), «Нефтяник» (Шарғона), «Ола» (Бишкек), «Копетдаг» (Ашқобод), «Нефчи» (Бону), «Спартак» (Москва), «Динамо» (Москва), «Локомотив» (Москва), «Тилигул» (Тирасполь), «Зенит» (Санкт-Петербург), «Локомотив» (Нижний Новгород).

✦ **Б гуруҳи:** «Пахтакор» (Тошкент), «Навбахор» (Наманган), «Кайрат» (Олмаот), «Спартак» (Владикавказ), «Динамо» (Сухуми), Марказий армия спорт клуби, «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Минск), «Ротор» (Волгоград), «Уралмаш» (Екатеринбург), «Ростсельмаш» (Ростов-Дон).

Биринчи босқичда гуруҳларда икки даврада мусобақалар ўтказилди. Ҳар иккала гуруҳдан бештадан энг яхши команда медаль учун баҳслари давом эттиради. Европа клублари турнирларида қатнашадиган командалар ҳам кейинги босқич натижаларига қараб аниқланди.

(ТАСС ва марказий рўзномалар материаллари асосида тайёрланди.)

МУСТАМЛАКАЧИЛИК ТАРИХИДАН

ВЕРЕШЧАГИВНИГ ИККИ ҚИЁФАСИ

Икки одам бахslashашаяпти:
— Верешчагин улуъ расомъ.
— У шафқатсиз одам, унда инсон зотига зарарча муҳаббат йўқ.

— Верешчагин куч-қудрат тарафдори бўлган.
— Куч-қудратга таъниб қатлу қирғинларга бош қўшиб, уларни улуглаш керакми?
— Тарих ҳақида солибларни улуглайди.

— Лекин фақат ғолибларга хизмат қилмаслиги ва доим уларнинг нуқтан-назарини ягона ҳақиқат деб билмаслиги шарт.
— Ҳар ким ўз фикрида қолади.

В. Верешчагин номини илк бор Хуршид Давроннинг бир шеърда учратганман. Сўнг қизиқиш устун келиб у ҳақидаги талай китоб, таъдиқот ва хотираларни топиб ўқидим. Верешчагин чизган картиналар ва азия қолдирган китоблар, кундалиқлар, сафарномалар билан танишиб чиқдим. Ҳўш, нега у диққатини тортиб? Нега бу қадар устун қизиқиш? Сабаби битта: Верешчагин Туркистонни асосат эзгиларига солган бошқинчи чор Россияси қўшинлари сафида бўлган. Қонга Ботирилган шахару қишлоқларимизни ўз кўзи билан кўрган, наинки кўрган, билмакс қўлга миллат қилиб қўймади-қўйимларда фаол иштирок этган. Ва бу бошқин ҳақида хотирлар, мактублар ёзган, картиналар чизган.

Туркистоннинг рус қўшинлари томонидан ишғол қилиниши ҳақида айтиш йилдан кўпроқ ҳақ олинган зўроқ сукутатга дарз келди. Насраларни ўз номи билан атайлик деганимизга олти йилдан ошди. Ҳўш, нега бу номи билан эътибор бўлди. Бизда ҳақиқат аввал шунор ташланади. Ишга эса доим бошимиз ширлар деворига урилгандан сўнг киришимиз. Фақат утган йилдан бошлаб «қўшиб олиш» ўрнига «босиб олиниши» сўзи илмий, расмий муомалага кирди бошланди. Шунга эса қўл этмас юксак унонлар паҳонида ёлгон илму амал яратиб, одамларни шунга ишонтириш пайда бўлди.

Тарихий ҳақиқатни тиклашда аввало ўтмиш ҳужжатларига мурожаат қилишимиз даркор. Верешчагин асарлари эса тарих далили сифатида эътиборга молик. У ўша давр воқеаларини тасвирлар экан (ҳақ рағбатсизроқ, ҳақ сўз воситаси) бошқинчи армия зотибти сифатида ҳалис бўла олмаган. Ҳинд ҳақиқини буюқ фарзанди, мутафаккир Ж. Неру сўзлари билан айтганда, унга аъва душман бўлиб кўриган кишилар ҳалқ қаҳрамонлари, у улуглаган «саховатли» генераллар эса биз учун қонқўр бошқинчи.

Бакс:
— Қандайд биз ҳам Верешчагиндек ўз халқимизни сева олсан.
— Мен Верешчагин рус халқини севаганига сира ишонмайман.

— Нега?
— Қалбида муҳаббат олови бўлган одам Самарқандда юрти ва халқи озодлиги учун бошқинчиларга қарши бош кўтарган одамларнинг шафқатсизларча қатл қилинишини иштиёқ ва маънуният билан кўзатмас эди.

Верешчагиннинг саётлари (У Туркистонга юришини шундай деб атайди) тафсилоти тарҳан ҳозираси бўлса-да, Россия қўшинларининг бошқинчилиги ҳақидаги оқиё-оқиди кўрсатади.
Дастлаб В. Верешчагин таржиман ҳолига бир назар солайлик. У 1842 йилда помешчки оила-сида дунёга келган. Ота-ониси ўлиниши ҳарбий-дегнчи бўлишини орзу қилади. Шу боис, у дегнчиликка қадет корпусида таъсил қўлади. Сўнг қарбий хизматга кирмасдан бадийи академияга қўл олади. Верешчагиннинг бутун умри саёт-сафарлару қарбий юришлар билан ўтган десак муболага бўлмас. Россиянинг шахру киш-лоқлари, Франция, Америка, Хиндистон, Болкон мамлакатлари, Кавказ, Туркистон ва бошқа олис-оқига гўшларга қадами етди. Узининг икорига қараганда, фақат: Австралига бормаган. 1904 йилда навабдони саётга отланган рассом кема порталини натижаида ҳалок бўлади. Австралияга бориш орузини қилиб кетди. Аммо у 1867 йилда Туркистонга келди. Икки йил бурун оғир жангдан сўнг Тошкент душман қўлга ўтган эди. 1867 йил Туркистон ўт инди. Бирин-кетин шахру қалъаларини жунгазилган мисол айтириб келган айғирларини қонли панжалари остида қола бошди. Ноақиллик, жаҳолат, сотқинлик халқимиз бошига шуниси қулфатлар солди. Верешчагин хотираларини ўқирганман, бир нарса кўнглимни буткул вайрон қилди. Рус қўшинлари Туркистондан олдин Шимолий Кавказ, Грузия, Озарбайжон, Тобул Қорабо, Шимолий Арма-нистонни эгаллаштирган. Лекин улар бошқа ҳеч ерда Туркистонга қилди қўнмишмаган, тинч ақолига нисбатан ҳалқларидан ошмаган. Кавказ рус кишинини доимо ногаҳоний қасоскор ўқи таъкиб қилган. У ҳақида ўз ҳаёти учун тахликага тушиб, қўркув остида ашаган. Туркистонда-чи Ҳўш ўлка буткул забт этилмас-данок ҳар қандай рус одами Чинкенту Тош-кент оралигида ва бошқа жойларда эркин кез-ган. Қўшинларинг яна олға солишни учун муҳим маълумотлар тўпланган, сотқинлардан йўл-бошловчилар алланган. Бунга Верешчагиннинг Чиноз сафари хусусидаги биткилари қисман тўғоқлик бериши мумкин. Душман ношуддан эмас, гурурли халқдан ҳайқиди. Халқимиз но-шуда бўлмаган. Бир ҳақлавақк аёга бўйин эг-маган. Қурбонжон доҳда, Бобон, Дўкин эшон сингирин улғаб масур етакчилар бошчилигидаги қўзғолонлар бундан далолатлади. Халқимизнинг оқдўғиллиги, соддалик, пана берган, душ-манга эса бу қўл келган.

Верешчагиннинг уруш ҳақидаги нуқтаи назари кишини сескантиради. «...Урушини «қилим, жо-зибали ёки хукук, баъдин икки томон бўл-майди. Фақат кучсизлар ғолибдан раҳм-ша-ҳат сўрагунга қадар душманин асир олиш, кўпроқ қириб ташлашдек битта уруш бор». Верешчагин «душман» деб кимни назарда ту-тмоқда? Туғилиб ўсган ерини, ота-болалари мо-зорини, болалари ҳаётини бошқинчи-қалардан ҳимоя қилаётган одам душманими? Таъжубу, ма-бодо шундақ бўлса, очкўзлик билан ўзгалар ери-га чанг солган, бойлик ва шўқрат учун кўз-қўриб қулук эшитмаган разилликлар қилган одам-ларни нима деб аташ мумкин? «Генерал Голова-чев Каттақўрғон қалъасини қўлга олиш учун от-ланди, мен ҳам жанг манзараларини жилла кўр-са энди қандайд кўрайин деган улмада бу ки-чи сафарга бирга бордим, аммо чангдан бош-қа ҳеч нарсага кўра олмадим, чунки отряддаги зобитларни ҳақдан ташқари афсусангирлардан ҳодиса юз берди — қалъа жангсиз таслим бўл-ди. Отряд оташинлик билан кутган иш қўлдан кетди — муқофотлар, нишонлар, мартабалар бери берилди — алам қилмайдами?!» Ҳа, алам қилади. Инсоннинг маънавиятсизлиги, вазулиги, мартаба-ю муқофотлар учун ҳимосиз аҳоли ко-нига маза қилиб «қўмилиш» истаги унинг ирра-дионаси бу қадар кўл этганини алам қилади.

Генерал М. Скобелевнинг Туркистонда, хусу-сан Самарқанд ва Хианда қилган жиновиялари (жангдан ташқари мнглаб одамларни суд-сў-

роқсиз қилчидан ўтказган одамни фақат жинов-иячи деб аташ мумкин) бугунга келиб ошкор бўлмоқда. Верешчагин худди шу генерални «жа-сур», «софдил», «саховатпеша» деб маддоҳлик қилади. Бу қонқўр генерални ҳеч ким Верешча-гинчилик улугламаган бўлса керак. Унинг ҳар бир асарига Скобелев ижобий сифатлар билан таъкиб қилинади. Ҳатто ягона бадийи асари — «Адабиётчи» қиссасида ҳам Скобелев етакчи қаҳрамонлардан биридир. Верешчагин турклар-га қарши урушида ҳам «қонқўнлик» генерал билан бирга бўлганини гоьтаде мароқ ила ҳикоя қи-лади: «Скобелев бекорликдан зерикарди; унга алоҳида кўмондонликни ишониб топширмаган-ликлари, Туркистонда хизматга қолмаганлиги алам қиларди, чунки миш-мишларга қараганда Англияга қарши (Хиндистонни босиб олиш учун — Ж. С.) юришига тайёргарлик кў-рилаётган экан. Хиндистонга юриш қилиш фикри унга сира тинчлик бермасди». Худди шу уринда Верешчагинни бироз таъхир қилиб «қон тўкиш, халқларни асоратга солиш, ўзга-лар юртини босиб олиш истаги унга сира тинчлик бермасди» десак ҳақиқатга яқин бўлу-р эди ва «жасур» генералга нисбатан ҳам адо-латсизлик бўлмасди. Верешчагин генералнинг «асрат»ларини эшитиб, бироз шовмай туринг деб таскин беради. Скобелев: «Ҳўтаими, мен кутини билман ва албатта ўз ҳақиқини ола-ман», дейди. Ҳақиқатан ҳам қонқўр генерал, Туркистон халқларининг жаллоди тез орада ўз ҳақиқини олади: ҳали қирқ йшга етмасденок «Англия» (!) меҳмондонисига бир бетайин фо-ҳишанинг ҳаром кучигода жон таслим қилади.

Верешчагин Туркистон тўғрисидаги картини-ларини умумий «Варварлар» деб номаляди. Та-рихдан маълумки, жаҳон маданиятининг кўна-ва ўз даврида энг юксалган қадимги Гимнинг улугвор шахарларини талон-тороқ қилган, яш-наб турган ўлкаларни қудатпага айлантирган марказий европулик вақший қабилавар варвар-лар дейилган. Верешчагин эса алқасида кўп ас-рлик буюқ маданият юки бўлган, ўз юртида тинч-гина тиричилик қилаётган туркистонликларни варварлар деб атайди. Умуман маҳаллий халқ-ларга нисбатан ҳақоратомуз «вавойи», «гал-варс», «вақший», «қўрқоқ» деган сифатларни ўта сазийлик билан қўйлади. Ҳатто унга уйдан жоий, дастурхондан нон-туз берган соддалик одамлар устидан қулади, ўлкани «илдий», «ба-дий» жиҳатдан ўрганавтган рус мутахассисла-рининг мақсадини тушунамаслиқга айблайди. Бугу-н ўлкани «илмий мақсадда» ўрганши бир ярим асрга яқин қўллик билан тугатилган, рассом, ёзувчи, археолог, тарихчи, этнограф ниқоби о-стида разведка маълумотлари тўпланганлиги ҳа-қ кимга сир эмас. Рассом ҳам Чиноз бозори тас-вирда озгина бўлса-да, асл ниҳони фош қилиб қўяди. У бозорда «яқинда Бухоро амири рус қўшинлари билан жанг қилармиш» деган «ба-маъни галпини эшитиб қолади. Аммо кейинчилик-ку гапда жон борлиги маълум бўлади, деб эа-ди. Аслида миш-миш «бамаъни гап» бўлмай, Верешчагин энг ноқиз қирраларига ҳақ иши бил-ган яхлит ҳарбий режа эди.

Верешчагин шовинист муаррихлар ва бошқа тоифадаги одамлар сингир Туркистоннинг Рос-сияга «қўшиб олиниши» (галати парадокс: кир-гилар, жангу жадалларда бевосита иштирок этган, булар ҳақида картиналар чизиб, сафар-номалар ёзган одам ҳам босиб олиш эмас, атайлаб «қўшиб олиш» деб эъзади) ўлкани «ва-войил»дан кутқарди деб, бошқинчиларнинг асл-ниятларини яширомасди бўлади. У Урта Оси-янинг таланган бойликлари ҳақида нуқра эъта-сдан, руслар келгунга қадар зулм (!), гиванда-лик, қулчилик, бачабозлик, аёлларни таъхирлаш авж олганлигига кўпроқ ургу беради. Бир урин-да «бу ерда қашшоқлик кучли ривожланган ва яхши ташкил қилинган» дея алоҳида таъкидла-са, бошқа бир жойда: «аскарларга дўқонларни (Са-марқандда — Ж. С.) талашга руҳсат бериладими, у ёқдан нималарни олиб чиқшимизга дейсиз!» Улар ерларнинг бир-биридан чироили ва на-фиси (!) кийимларини кийиб, тақинчиликларни та-қиб шундай галати ахлоқга тушишгандини, кўр-ган киши кўлгадан ўзини сира тиблмас эди. Бу ерда арзиманг бир-икки сўмага этнограф учун бутун қўл хазинага (!) арзийдиган буюмларни сотиб олиш мумкин», — деб эъзади. Ҳўш, бу галларнинг қай бири ҳақиқатга қайсигига ишо-ном керак! Қашшоқлик яхши ташкил қилинган бўлса, оддий дўқонда турган ҳар бири бутун бутун қўл хазинага тенг буюмлар қаердан пайдо бўла қолади!

Ўтмиш ҳужжатларидан маълумки, истилочи амалдорлар Туркистоннинг иқтисодий қолоқчи-лигини рўкач қилиб, ўлкани ўзлаштиришга жуда катта маблаглар сўрашган. Уларнинг бу талаби ўша давр матбуотида, подшо саройида чет эл эълчилари билан бўладиган учрушларда кенг тарғиб қилинган. Бундан кўзланган мақсад бо-сқинчиликни, Урта Осиёнинг бевало бойликла-рини кенг миқёсда талон-тороқ қилишни и-қоблашдан иборат бўлган. Ҳақиқий манзара бошқача эди. Туркистон генерал-губернаторли-гининг барча чиновниклари маҳаллий халқдан янғилган солиқлар ҳисобига яшашиб, подшо хазинасидан маориф, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқчи йўлга қўйиб учун ажратилган маблаг амалдорлар ўртасида хомташл бўларди. Ҳин-дистон сафари қайдаларида Туркистон губерна-торлиги маъмуларининг флган касалхона ёки мактаб, йўл қўриқ деб жўнатган йўл маълум-отлари билан-билмай фош қилиб қўйилган. Шунингдек, руслар ўлка халқларининг ижтимоий турмушини яхшилашга эътибор қаратдилар, де-ган сохта даъвонинг ҳам мисли қилди. «Ҳин-дистон ҳақида сўз борганда варварлар мамла-кати, деб адолатсизликка йўл қўйилган. У ерда аёқойиб мактаблар, йўллар, жамоат бинолари барпо этилган, маъмурий ва суд маҳкамалари-да яхши тартиб ўрнатилган. Инглизлар фуқаро-ликни, кенг биланларни айиш, қўнра санъат обидаларини асраш, янглиларни бунёд этиш учун кўп иш қилишган...» бу ердан шимолде жойлашган (Туркистон назарда тутилмоқда.— Ж. С.) ўлкаларни маданиятлаштиришга сафар-бар қилинган бўл, руслар бу мамлакатдан (ин-глизлардан) кўп нарсага ўрганишимиз мум-кин»— деб, инглизлар Хиндистонда амалга оширган ишлардан ҳайратга тушеди. Ҳа, ин-глизлардан жуда кўп нарса ўрганса бўлади. Ҳиндистонда мустанлакчилик вақтида ҳам халқнинг кўнгина сиёсий ҳуқуқлари сақланиб қолган эди. Бир неча сиёсий партиялар, ҳаракат ва оқиллар фаолият кўрсатарди. Ҳинд халқини озодлик ва мустақилликка олиб чиқ-қан Хиндистон Миллий конгресси партияси мустанлака зулм авж олган XIX асрнинг 70-йилларида тузилган ҳам амалдийлаштириш-лиқ сафарбар улуъ давлатчиларга гаيري одат-ий ҳол бўлиб кўрүнади. Верешчагин 250 милли-онли (XIX асрнинг иккинчи ярмидаги маълумот) ҳинд халқи бор-йўри 50—60 минг инглиз ас-кари орқали бошқариб турганини халқнинг

миллий, диний, маъзабый мухолифликка экан-лиги, турли гуруҳларга бўлиниб кетганидан кўради ва унинг пароканда бўлиб парчала-нишида инглизларнинг ҳам хизмати борлигини, улар «бўлиб ташла ва ҳўкморлик қил деган римликлар қондасига оғишмай амал этишаёт-ганигини айтди.

Ҳўш, Туркистонда маҳаллий ақолининг ҳу-қуқлари қай аҳолида эди? Биринчидан, ўлкани ҳарбий ҳокимият орқали бошқариш ҳар қандай ҳақоратлик ҳуқуқларини йўққа чиқарган бўлиб, сиёсий ҳаракатлар фаолиятга мутлақо йўл қўйилмаганди. Зулм ва адолатсизликка қарши яланг қилич кўтариб чиққан халқ сардорлари «бошқинчи» (!), «қароқчи», «қўри» деб эълоқ қилиниб, шафқатсиз жазоланар эдилар. Са-марқанд кўзоғони вақтида Верешчагин қўлга миллат олиб, жазо отрядларини бошқаради. «...Ҳўжум қилаётганлардан икитасини, таъбир жоиз бўлса, профессорларча отиб қулатдим», деб мактабда. Ҳолбуки, шахар тарихини ўр-ганиш ва расм чинаш учун келган рассом жангда қатнашмай бир четда ҳолис кузатуви-чи бўлиб туриши мумкин эди. Ти ушлашга уни ҳеч нарса, ҳеч ким мажбур қилган эмас. Мил-латимизга нисбатан нафрат, улуъ давлатчилик гоғляри, бойликларга эғаллик қилиш, одам ўл-дириш киллар учун «буюқ рассом» бўлган одамни уруш майдонига етаклайди.

Бакс:
— Мен Верешчагинни унутмайламан: шахд-ларнинг бунд чаногидан уни бўлган тала, қу-рунлар, шип-шўйдам дарахтлар, сарик сахро ва сал нарда шарқона услубга қурилган иморат-нинг вайронлари...
— Сиз унинг «Урушга мадия» номли картин-асининг умумий кўринишини тасавирлагиниз Аммо биласизки бу расм кимга бағишланган?
— Кимга бағишланганлиги муҳим эмас.
— Муҳим бўлса-да, у расм билан буюқ бобомиз Амир Темур юришлари ва «қонқўрли-гини кўрсатмоқчи бўлади. Рассом картина та-свиисига: «ўтган, ҳозирги ва келгуси жаҳонгир-ларга бағишланади», — деб эъзади қўйган. Демак, бу картинани «Автопортрет» деб атасак ҳам бўлади.

Ҳар ким ўз фикрида қолади.
Верешчагинни бир олим: «у ҳамма нарсага қо-дир», деб таърифлайди. Бир қарашда жуда юк-сақ баҳо. Бироқ мантиқан ўйлаб қўрилса-чи!... Ҳамма нарсага қодир инсон — инсонни! Яра-ланган рус аскарини ачинчи ила тасвирлаш, ҳеч иккинмай мачита ўт қўйиб, жанг майдонлари-рус аскарлари жасадини йиғиб олиш ва ҳур-мат билан қўриқ қилишга жонбозлик кўрсатиш, «душман» томон жангчилари мурдасига тўлган майдонни кўриб, хурсандлигидан «бу ерда ҳо-сли кўл бўлибди» деб хулоса чиқариш, кўнорни қўруқ қўйган дарвешин ита қилишга алла-қандай казакнинг бир деҳқон хотинини зул-матлигини солдат ҳаётида бўлиб турадиган шун-чани ҳангома сифатида баҳолаш — Верешча-гинга ҳос хусусиятларидир.

Ўтган йили рассонинг картиналари илова қи-лган, нашриёт ҳодимларининг («Советская Россия») фикрига қараганда, тўла асарлардан иборат китоби нашрдан чиқди. Аммо китобда Верешчагиннинг оқиё-оқиди ниҳон қўриқдаги «1868 йилда Самарқанд оқиё-оқиди хотиралари» урин етмай қолибди. Балки унинг асарларини тўловочилар учун «рассом Верешчагин» «жа-лол Верешчагиндан» афзалдор ёки улар «қал-лақ дўстигига раҳна солишдан чўнгандилар. Навора, бу — уларнинг иши. Аммо ҳақиқат, ай-тирган сўз ўлмас экан. Адабиётшунос олим Ортиқбой Абдуллаев маъзур хотираларни «Рус-ская старина» журналининг 1888 йил 9 сонидан таржиман қилиб «Шарк қолдузи» ойномасида бос-тирди.

Пойтахтимизда кўр тўкиб турган В. Верешча-гин номли кўчадеман. Қаршимизда 10—12 ша-рлар ҳамасида бир болакай қичиб қолди. Ундан Верешчагин ким, биласанми, деб сўрадим. Жа-воб қисқа бўлди: «Биламан, у рассом бўлган. Ҳа болани бегона, ўзга миллат вақили сўроқ қилиб турганини шўба уйғотдимми, бошқам, кека бир чол шўнга унча мис бўлмаган мовий кўзларини қадаганча менга яқинлашди. Кўнгли-даг шўбаки бироз тарқатчи, болакайга нис-батан ҳеч қандай гаразим йўқлигини билдириш учун чолга ҳам шу саволини бердим. У: «хоҳири наваб бизнинг кўчага келибди-да, деб гап бошати». — Сизларнинг бу юришларинг нимага қаратилганини биланман. Рус рассомларининг но-мини олиб ташлаб, бирор миллатчи шорларинг но-мини бермоқчисизлар. Ҳўп, айт-чи, Верешчагиннинг ноини олиб ташлаш билан қоринларингиз тўйиб қоладими?»


Бу кўчада яшовчилар мен қорин гаимда эмас, қадримни, гурурларни излаб юрганлигини тушушини хоҳлашмади. Кўча Верешчагин но-ми билан аталганига уларнинг айб ҳам йўқ. Аёб ўзимизда. Ҳўп нарсага, ҳатто гуру-риниқ топилганига ҳам бефарқ, қоқайдим. Масъаланнинг бирор бир кўчиси Чингизхоннинг навабири Б. Наполеоннинг Кремлаг ўт қўйган офицери номи билан аталганини тасаввур қи-ла олмасизми!

Урта асрларнинг охиридан бошлаб Турон за-мин юз тутган парокандалик, ягона давлат-нинг парчаланиб кетиши туфайли вуқудга кел-ган икитомий-икитодий таназзул XIX асрнинг иккинчи ярмида бутун мураккаблиқлари, эн-диқлар билан халқ ҳаётида акс этди. Вереш-чагин ўз қалами ва тиригинг энг ўткир, за-ҳарли учини худди ана шу иллатли нуқталарга қаратади. Бироқ маъжуд турмуш тартиботлари, катта бир халқнинг ҳаёти қора бўйлар билан тасвирлашиб, фақат иллатлар бруттирилганлиги муайяннинг няяти салбийи эмаслигидан дало-лат беради. Наҳоти ўзини ўта маданиятли ҳи-собловчи одам Туркистонда бирор аруқлик қўйгани бўлса!

Верешчагин чинакам инсонпарвар санъаткор бўлиб етша олмади. Шойр Хуршид Даврон айтганидек, у нафақат мўйқалам, балки «ил-мич» ва ти эгаси бўлганлиги учун ҳам инсон сифатида нафрат, қеҳоят, қонқўрлик вавасва-синининг қўли бўлиб қолди. Кулнинг қисмати эса изоҳга муҳтож эмас.

Бакс:
— Мен барбири уни унутмайламан.
— Мен ҳам унуттиш тарафдори эмасман. Верешчагиннинг қилч тутган кўнинг унутти-шини эътиборга истеганга топилмади. Биз хотира ҳу-қуқидан фойдаланиб, Верешчагин ҳақида чава-ҳақиқатни эмас, тўла ҳақиқатни билишни иста-ямиз. Зеро, миллат сифатида ўз сўзимиз, зойимизга эга бўлаётган ҳозирги ялпи ўғончи палласида тарихимизнинг нури ва қонли са-ҳифалари биздан марқонин, гурурни, ҳақиқатни талаб қилмоқда.

«— Биз шунга муноссабамиз!»
Ҳар ким ўз фикрида қолади.
Малоқаддин САФОВ.



Қибрай районидagi «Лимонарий» жа-моа ҳўжалигида етиштирилган ли-монлар барчага машҳур ва манзур. Бош-қа жойларда ҳар гектарида 8—10, ўз-бекистонда 20—25 тоннадан ҳўшл етиштирилган бўлса, бу ерда кўр-саткич 36—43 тоннада етмоқда. Жамоа ҳўжалигида дарахтларга ҳеч қандай

кимёвий дориларсиз ишлов берилмоқда. Балки шу боис бу лимонлар пештахта-ларда қолиб кетмаётгандир.

СУРАТДА: «Лимонарий» жамоа ҳў-жалли раиси Е. Фахриддинов.
И. АЛИМОВ олган суурат.

Бозор иқтисодиёти чорраҳаларида
БОСТОНЛИК ҲОКИМЛАРДАН
ЎРГАНИШАДИ

ЭРКИН савдо-тижорат муносабатларига асослана-ди бозор иқтисодиётига ўтилмоқда. Бундай шаро-итда маҳаллий ҳокимият унинг бурчи, ваколати, урин нималардан иборат бўлмо-ғи керак? Савол жуда дол-зарб. Чунки Ўзбекистон учун бозор иқтисодиёти — очилмаган қўриқдай гап: тақриба йўқ. Демак, бу йўлни босиб ўтганлар таж-рибасига мурожаат этиш, улардан ўрганиш зарур. Тошкент шахар Кўйишев район совети ана шундай йўлни таллади.

Район раҳбарлари Аме-рика Қўшма Штатлари Бостон шахри ҳокимлиги вакилларини 10 ливарь ку-ни Тошкент аэропортида ку-тиб олдилар. Меҳмонлар пойтахтда бир ҳафта бўлиб, «Бозор иқтисодиёти шаро-итида маҳаллий ҳокимият» мавзунда машғулотлар ўт-каздилар. Хусусий мулк ва шахсий ҳуқуқнинг ус-тун даражадаги афзаллиқ-лари, шунингдек келмаган даражадаги давлат арала-шуви ва бошқарувининг за-рурлиги хусусида мұфас-сал тушутиришлар бер-дилар.

Машғулот қатнашчилари шахар ҳўкуматининг сиёсий ва маъмурий ҳокимиятичи-дан иборат тарихий тузи-лишидан воқиф бўлидилар. Мулкчиликнинг ривожла-ниши бошқариш ва тарти-бга солиб туриш учун қў-ланиладиган амалий усул-лар воситалар билан тани-шдилар. Бозор иқтисоди-ёти шароитида уй-жой қу-рилиши ва тижорат ишлари-ни тартибга солиш, рағбат-лантириш ва «мақсатли мақсадларида шахар ҳў-кимияти амалга ошириш до-зим бўладиган юмушлар масаласи ҳам машғулотлар дастурига қиритилган. Шунингдек, савол-жавоблар, дара сўхбатлари, баҳс-му-нозаралар уюштириш ҳам назарда тутилган.

Машғулотлар тугагач, Бостон шахри ҳокимлиги вакиллари Бухоро ва Са-марқанд шахарларидаги кў-на тарихий обидларни бо-риб кўрадилар.
А. ИҲЛОШЕВ.

Машғулотлар тугагач, Бостон шахри ҳокимлиги вакиллари Бухоро ва Са-марқанд шахарларидаги кў-на тарихий обидларни бо-риб кўрадилар.
А. ИҲЛОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН
ГУРУЧИ

Нобисотдаги «Ўзбекис-тон» жамоа ҳўжалиги қи-шлоқларида маҳаллий ус-таларнинг кўч-ғайратлари билан бешта обжўвуз турилиб ишга туширилди. Бу обжў-воэларда ҳар кеча-қундуз-да 10 тоннага қадар шони оқланмоқда. Бунинг боиси шунки, ҳўжалик ахлида шол-ли етарлики миқдорда гал-лаб қўйилган эди.

Жамоа ҳўжалиги бошқа руви бутлур республика Президентининг бир қанча фармонларини бажара бо-риб, жамоа ҳўжалиги аъзо-ларига, қишлоқ эълдилари вакилларига 56 гектар ер-ни ажратиб берган эди. У ерларда деҳқонлар асосан шол иштиришди, чунки деҳқон бозорларида бир килограмм гуручининг нар-хи ача ошган эди. Брига-да аъзолари сидқидилдав меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан ўртача 35 центнер-дан шол иштириб олди-лар.

Ҳосилининг бир қисми ҳў-жаллик меҳнатчилари ўрта-сида тақсимланди, бир қис-ми эса муҳтожларга ердам бериш мақсадида захира фондига қўйилди. Хуллас, «Ўзбекистон»ликлар ўз гу-ручларидан палов пиши-ришапти.

ПОЗНАНДА САВДО
РАСТАЛАРИ

ПОЛЬШАДА аянанаий халқро савдо ярмаркаси йў-либ ўтди. Унда Қирғизис-тонда ишлаб чиқариладиган савоат, ширкат моллари, халқ хўнарамандлари тайёрлаган буюмлар ҳам намойиш этил-ди.

ДЕХҚОНЛАР
ПАРТИЯСИ

БИШКЕКДА Қирғизистон Республикаси Деҳқонлар пар-тиясининг таъсис конферен-цияси бўлиб ўтди. Конферен-цияда Деҳқонлар партиясин-инг 1992 йил февраль ойида бўлиб ўтадиган биринчи қурул-тойига тайёргарлик кўручи муваққат қўмита сайланди. Шунингдек, Қирғизистон Респуб-ликаси Олий Кенгашига де-путат деҳқонлар учун парла-ментдан олтинчи ўрин аяра-тишга қаюолат беришлари сўралган мурожаатнома қа-бул қилинди.

КОРХОНА
КУПАЙГАНИ
ЯХШИ

УЙЧИ районидagi ипакчи-лик ишлаб чиқариш бирла-шмасининг жойлардаги ўнги-яқин чеки бинга тўнуб чеҳа ҳам қўшилган бўлди. Ер-камай қишлоғидagi бу кор-хона қиринчи ҳозир жадал-олиб берилмоқда. Чунки у шу йилнинг биринчи чорига-да махсулот бера бошлаш ке-рак.
М. КОДИРОВ.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ.
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шахри Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32 09 67, 33 07 48. Индекс: 64608.
Буюртма № 37 100000 нусxada чоп этилади.